

Сийрат дарслари (134-дарс). Ким камбағалга муҳлат берса...



15:30 / 30.04.2021 4621

509. Абу Ясар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан (ҳақнинг) бир қисмини ўтиб юборса, Аллоҳ уни Ўзининг соясига олади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

510. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким мусулмоннинг (савдодаги) қайтишини кечирса, Аллоҳ унинг қоқилишини кечиради»**, дедилар».

Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

511. Абдурроҳман ибн Ваъладан ривоят қилинади:

«У Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан узумдан сиқиладиган нарса ҳақида сўради. Шунда Ибн Аббос айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир киши хамр кўзасини ҳадя қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Аллоҳ уни ҳаром қилганини биласанми?»** дедилар. «Йўқ», деди ва бир одамнинг қулоғига пичирлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Унга нимани пичирладинг?»** дедилар. «Уни сотиб юборишни буюрдим», деди. **«Уни ичишни ҳаром қилган Зот сотишни ҳам ҳаром қилди»**, дедилар. У кўзани очиб, ичидаги нарсани тўкиб ташлади».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан